ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

К.ЮНУСОВ

Мақолада Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланишининг асосий босқичлари кўриб чиқилган. Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини кенгайтириш, юртимизда демократик қадриятларнинг шаклланиши жараёнида уларнинг роли ва аҳамиятини ошириш муаммолари ўрганилган. Жумладан, ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштиришда уларни фаоллаштириш имкониятлари ёритилган.

Калит сўзлар: *фуқаролик жамияти, фуқаролик жамияти институтлари, демократия, нодавлат институтлари, сиёсий партиялар, уюшмалар, ижтимоий қатламлар, парламент комиссияси, жамоат фонди.*

В статье показаны основные этапы формирования и развития институтов гражданского общества в Узбекистане. Рассматриватся проблемы дальнейшего углубления деятельности данных институтов, повышения их роли и значения в процессе формирования демократических ценностей. Освещены возможности их активизации в процессе либерализации социально-политической жизни страны.

Ключевые слова*: гражданское общество, институты гражданского общества, демократия, негосударственные институты, политические партии, объединения, социальные слои, парламентская комиссия, общественный фонд.*

The author of this article tries to show the main stages of formation and development of civil society in Uzbekistan. It studies the problems of further deepening of the activities of these institutions, growing their role and importance in the process of formation of democratic valuables. The author tries to show the possibilities of their activization in the process of liberalization of social and political life of the country.

Key words*: civil society, institutions of civil society, democracy, non-governmental institutions, political parties, unions, social levels, parliamentary commission, public foundations.*

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришиши билан Ватанимизнинг энг янги тарихида янги зарварақлар очилди. Ижтимоий ҳаётимизда янги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий тузумга асосланган жамият – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишдек буюк мақсад рўёбга чиқа бошлади.

Демократик жамият - муайян ҳудудда яшовчи, эркин ва озод кишилардан иборат аҳоли, миллат ва халқнинг яшаш тарзини англатади. Фуқаролик жамияти эса демократияга асосланган давлатчилик шароитида шаклланадиган ва ривожланадиган ижтимоий муҳитдир.

Ўзбекистонда жамият ҳаётини демократлаштириш шароитида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли беқиёс даражада каттадир. Бу институтлар – кўнгилли равишда тузилган, жамият ҳаётининг барча соҳаларида амал қиладиган нодавлат типидаги тузилмалар (бирлашмалар, ташкилотлар, ассоциациялар, уюшмалар, марказлар, клублар, жамғармалар ва б.)нинг фаолиятини ўзида мужассамлаштиради. Мазкур тузилмалар жамият ҳаётининг барча соҳаларида фаолият кўрсатади. Улар фаолиятининг кучайиши, ўз навбатида, фуқаролик жамиятининг қай даражада амал қилишини билдиради. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларида кенг фаолият кўрсатиши – Ўзбекистонда демократик тамойилларнинг нечоғли амал қилишини кўрсатади. Шунингдек, улар фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишиниг муҳим шартидир.

Шунинг учун, Ўзбекистонда жамият ҳаётини демократлаштириш шароитида фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини таҳлил қилиш муҳим

аҳамият касб этади. Чунки уларнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, ўз навбатида, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг қай даражада шаклланиб бориши мезони, ўлчови эканлигини англатади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари Ватанимиз мустақиллиги даври тараққиётининг асосий босқичлари билан бевосита боғлиқдир. Қуйида ана шулар хусусида фикр юритилади.

Биринчи босқич – 1991-2000 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда, янги типдаги, демократик тамойилларга тўла мос келувчи фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиш даври бўлди. “Соғлом авлод учун” (1993), “Экосан” (1992), “Амур Темур халқаро жамғармаси” (1993), “Олтин мерос халқаро жамғармаси” (1995), “Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси” (1998), “Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги халқаро жамғарма” каби халқаро ташкилотлар, “Маҳалла” жамғармаси (1992), “Нуроний” жамғармаси (1996), “Камолот ижтимоий ҳаракати” (“Камолот Республика ёшлар жамғармаси”, 1996) 2000), “Меҳри” аёллар жамияти, “Олима аёллар уюшмаси (1992)”, “Ижтимоий фикр” жамоат маркази (1997), “Оила” илмий-амалий маркази (1998) кабилар шулар жумласидандир.

Мазкур даврда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди. “Жамоат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги (1996), “Виждон эркинликлари ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири (1998), “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги (1999), “Касаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳуқуқ ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги каби муҳим қонунлар қабул қилинди.

Бу даврда, юртимизда муайян мақсадларни кўзлаган чет эл мамлакатларининг турли нодавлат ташкилотлари ваколатхоналари очилишига кенг йўл очиб берилди. Ушбу ташкилотларнинг кўпчилиги, мамлакатимизда демократик қадриятларни тарғиб қилиш баҳонаси билан миллий манфаатларимизга зид бўлган, хорижий (Ғарб) давлатларининг Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда амалга оширишлари лозим бўлган мақсадларни кўзлаб ҳаракат қилдилар.

Иккинчи босқич – 2001 йилдан 2007 йиллгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу босқичда, фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври шароитида, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди. Биринчидан, ушбу даврда, ўзларини демократик қадриятларни ёювчи қилиб кўрсатган хорижий нодавлат ташкилотлар асл мақсадларини юзага чиқардилар. Улар миллий қадриятларимизга, анъана ва удумларимизга, бой маданий меросимизга, маънавиятимизга мутлақо зид келувчи ғояларни, шарқона яшаш тарзимизга ёт бўлган турмуш тарзини ифодаловчи ғояларни аҳоли, айниқса, ёшлар онгига сингдирмоқчи бўлдилар. Аммо уларнинг бу уринишлари, миллатимизнинг минг йиллардан буён қон-қонига, онги ва қалбига, шуурига сингиб кетган миллий қадриятлар чуқур илдиз отганлиги сабабли чил-чил бўлиб синди ва бу уринишлар самарасиз тугади.

2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қаратилган чора тадбирлар мажмуи тўғрисида»ги Қарор лойиҳаси тайёрланди. У Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни назарда тутди.

2005 йил 23 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-107-сонли Қарори қабул қилинди.

2005 йилда республикамизнинг барча ҳудудларидаги 150 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташаббуслари билан Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ташкил этилди. Ҳозирда Ассоциация учинчи секторнинг тўрт юздан ортиқ фаол вакилларини ўз атрофига жамлаб, турли даражадаги лойиҳаларни амалга оширишга қодир, етарлича кучга эга механизмга айланди.

2007 йилда Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Конститу-

циясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим тарихий қадам бўлди.

Учинчи босқич: 2008 йилдан бошланиб ҳозиргача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр юртимизда фуқаролик жамияти институтларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида уларнинг жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашиши билан характерланади.

Ҳозирда мамлакатимизда 5500 дан зиёд фуқаролик жамияти институтлари фаолият кўрсатмоқда.

2008 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб–қувватлашни кучайтириш чора–тадбирлари тўғрисида” қўшма қарори қабул қилинди. Унга кўра, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини молиявий жиҳатдан қўллаб–қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб–қувватлаш жамоат фонди, Фонд маблағларини бошқарувчи Парламент комиссияси тузиш бўйича қарор қабул қилинди.

Қўшма қарорнинг аҳамияти шундаки, жамоат фондлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларига молиявий кўмак бериш орқали уларнинг жамият ҳаётидаги фаолиятини янада ошириш ва шу орқали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш қобилиятини амалда кучайтиришдан иборат. Шунингдек, моддий–молиявий жиҳатдан бақувват бўлган ҳар бир ННТ фаолияти орқали фуқароларнинг ижтимоий манфаат ва эҳтиёжлари шунчалик даражада кўпроқ қондириб борилади. Бу эса, ўз навбатида, фуқаролик жамияти тамойилларининг амал қилиши демакдир. Бугунги кунгача ушбу фонд томонидан республикада нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида 16 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришдан асосий мақсад жамият ҳаётидаги турли ижтимоий қатламлар, гуруҳлар, касб-кор эгалари уюшмалари, давлатга қарашли бўлмаган ташкилотлар манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш ва ҳимоя қилишдан иборат. Зеро, фуқаролик жамияти институтлари ўз моҳиятига кўра фуқароларнинг ўзлигини англашга, ижтимоий муносабатларда ўзини ўзи бошқаришга қаратилган, ихтиёрий тарзда бирлашган, муайян бир мақсадга эришишни назарда тутган нодавлат типидаги ташкилотлардир.

Аҳолининг турли қатламлари, ҳар бир фуқаро муайян фуқаролик жамияти институтлари сифатида фаолият кўрсатувчи нодавлат ва жамоат ташкилотлари орқали ўз манфаатларини амалга ошириб, жамият бошқарувида фаол қатнашади. Жамият ҳаётидаги ижтимоий муносабатларнинг барча соҳалари маҳалла фуқаролари йиғинлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, турли жамғарма ва марказлардан ташкил топган. Фуқаролик жамияти институтлари фаолияти кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида алоҳида роль ўйнайди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан аниқланишича, ҳозирда Ўзбекистонда ўз йўналиши бўйича фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг 40 фоизи – ижтимоий-иқтисодий қонунларни ҳимоя қилишга, 14,2 фоизи – аёллар ва ёшлар муаммоларини ҳал этишга, 13,6 фоизи – соғлиқни сақлаш, таълим, экология соҳасига, 12 фоизи эса бошқа ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни бартараф этишга хизмат қилмоқда [11].

Юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазалардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Ҳозирги замон фуқаролик жамияти ижтимоий-сиёсий институтлари фаолияти кишиларнинг ижтимоий эҳтиёжлари ва манфаатларини қондириб боришда кўпроқ намоён бўлмоқда.

2. Жамият ҳаётининг турли соҳа ва йўналишларида фаолият кўрсатаётган фуқаролик жамияти институтлари ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асослари шаклланишининг муҳим шартидир.

3. Мамлакатда фуқаролик жамиятини барпо этишда давлат ташкилотларининг жамият ҳаётини бошқариб боришдаги функцияларини аста-секин нодавлат органларга ўтказиш катта роль ўйнайди.

4. Ҳозирда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган фуқаролик жамияти институтлари муайян тарихий шаклланиш ва ривожланиш босқичларини босиб ўтди ҳамда жаҳоннинг ривожланган давлатлари ва фуқаролик жамиятининг умумэ-

ътироф этилган тамойиллари ҳамда миллий ўзига хос жиҳатлар асосида иш юритмоқда.

5. Фуқаролик жамиятининг асосий тамойиллари босқичма-босқич нодавлат ва жамоат бирлашмалари орқали шаклланиб боради. Шу аснода, жамият ҳаётида аста-секин маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарувга хос хусусиятлар барҳам топиб боради.

6. Фуқаролик жамиятида бошқарувнинг кўплаб функциялари давлат тасарруфидан ўз-ўзини бошқариш органларига ўтиб боради. Аҳолининг турли қатламлари, алоҳида шахс муайян нодавлат ва жамоат ташкилоти орқали жамият бошқарувида фаол қатнашади. Шу тарзда жамият ўзини ўзи бошқариб боради. Бу жараёнда қайсидир шахс, ҳоким ёки раҳбар хоҳиш-иродаси, ҳукмронлиги ёки муруввати эмас, балки фуқароларнинг юксак ҳуқуқий маданияти, дунёқараши устувор аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак манавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008
2. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси**.** - Т.: Ўзбекистон, 2010
4. “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни.1991. 15.02. №223-XII.
5. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. – Т.: Адолат, 1999. 14.04. № 763-I.
6. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – 2007
7. Ўзбекистондаги нодавлат ва жамоат бирлашмалари фаолиятининг назарий асослари (Президент Ислом Каримов асарлари асосида) К.А.Юнусов таҳрири остида. Қўлланма.- Андижон: АндДУ, 2008
8.Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда нодавлат ва жамоат бирлашмаларининг роли. Рисола. К.А.Юнусов таҳрири остида.- Андижон: АндДУ, 2009
9.Фуқаролик жамиятини барпо этишда ва баркамол авлодни вояга етказишда нодавлат ва жамоат бирлашмаларининг роли. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. К.А.Юнусов таҳрири остида.- Андижон: АндДУ, 2010
10. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиш ва ривожланиш истиқболлари. Особенности становления и развития гражданского общества в модернизирующейся России. – Т.: Шарқ, 2011
11. Миллий тикланиш.- 2011.- 17 август
12. http://www.xdp.uz/
13. http://www.iscs.uz/index.php.
14. http://www.politike.ru.
15. http://ngo.uz.

Адижон давлат университети,
2013 йил 24 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ў.Убайдуллаев)